

Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад



11:00 / 25.10.2020 2108

Ҳофиз, бир нечта китобларнинг муаллифи Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳяд ибн Момо Асбаҳоний Момоий.

Абдурраҳмон ибн Абу Шурайҳ, Абу Али Исмоил ибн Ҳожиб Кушоний, Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад Малоҳимий, Абу Абдуллоҳ Ҳалимий ва бошқа кўплардан ҳадис ривоят қилганлар.

Ироққа бормаганлар. Мовароуннаҳрга сафар қилганлар. Бизга бу кишидан жуда кам ҳадис етиб келган. У киши Ғунжорнинг «Тарихи Бухоро» китобларига қўшимча ва иловалар қилиб, хошия ёзганлар. Аммо у кишининг таржимаи ҳоллари тўғрисида бизга етиб келган маълумот тўлиқ эмас.

436 йил шаъбон ойида 70 ёшда оламдан ўтганлар.

«Машхур даҳолар сийрати» китобидан